

Жанубий Африкалик крикетчи Бёрн Фортуин Исломни қабул қилди



16:30 / 27.04.2021 2799

Крикет бўйича Жанубий Африка терма жамоаси аъзоси 26 ёшли Бёрн Фортуин 2019 йилда дебют кўрсатган.

Бёрн Рамазон ойида рафиқаси билан бирга Исломни қабул қилганидан сўнг, 2021 йил 25 апрель куни никоҳ тўйи маросимида ўз исмини Имадга ўзгартирди. Тўй маросими эрталаб рафиқаси Мйешке Айсен билан бўлиб ўтди.

Рафиқаси Мйешке Айсен ўз инстаграм тармоғида: «Кеча Бёрн Шаҳодат калимасини айтди. Алҳамдулиллаҳ, айнан Рамазон ойида. У Имад исмини танлади. Мен у билан фахрланаман» деб ёзиб қолдирган.

Бёрн Исломни қабул қилган иккинчи жанубий африкалик футболчи бўлди.
Биринчи бўлиб 2011 йилда Исломни қабул қилган Уейн Парнелл эди.

Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи